

**ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИНГ МОЛИЯ-КРЕДИТ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИДАГИ ИЛМИЙ-  
НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР**

Олимжанова Нигора Алишеровна

Ўзбекистон Республикаси Банк Молия академияси,  
мустақил изланувчиси

Хозирги кунда юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни чуқур ва теран англаган ҳолда, мамлакатимизни янада ривожлантиришда ижтимоий-иктисодий дастурларини ишлаб чиқиши ва амалиётга қўллаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этиш ва ишсиз муаммосини аста секин бартараф этиб бориш ва шу орқали давлат дастурларини ишлаб чиқиши, аҳолининг турли қатламлари ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда давлат органлари ўртасидаги муносабатларни бугунги ислоҳотлар талабларга мувофиқ ривожлантириш зарурдир. Бундан ташқари қонун хужжатларида мавжуд бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир - асоссиз чекловлар, ортиқча хисобланган маъмурий тартиб қоидалар ва эскирган механизmlарни буткул бекор қилиниши даркор.

Мухтарам Президентимиз томонидан ҳалқ манфаатини юксак ўринга қўйган ҳолда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳатлар жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли аҳамиятини кучайтиш ҳамда давлат-хусусий шерикчилик тизимини янада такоминллаштиришга қаратилган 300 га яқин қонун хужжатлари ишлаб чиқилиб мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга давлат томонидан жуда хам катта эътибор берилмоқда. Ушбу олиб борилаётган ислоҳатларни тубдан ўзгартириш учун ривожланган мамлакатларда давлат-хусусий шерикчилик тизимини, давлат сиёсати даражасида ўрнатилганлиги кўришимиз мумкин.

Қонун хужжатларида эса мавжуд бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир - асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб қоидалар ва эскирган механизmlарни тубдан янгилаш мақсадга мувофик дея оламиз. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”<sup>1</sup> Қонуннинг кучга киритилиши мамлакатимизда давлат билан хусусий шериклар ўртасидаги мулкий муносабатларни ривожлантириш ҳамда ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни жойларда бартараф этишда хусусий сектор билан давлат секторини ижтимоий – иқтисодий ҳамкорлигига янги лойиҳаларни ишлаб чиқилиши лозим.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларида, жамиятни бошқаришдаги давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда бизнес субъектлари ўртасидаги

1 Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни

2 Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони

ижтимоий шерикликка асосланган ижтимоий-иктисодий ҳамкорлик самарадорлигини таъминлашда, Россия Федерациясининг 2013 йил 26 апрел санасидаги биринчи ўқишида “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонунига бир қатор қўшимча ўзгартиришлар киритилиб, давлатнинг устувор сиёсати сифатида Давлат-хусусий шериклик механизими қонунларида белгилаб берилган ва ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган хуқуқий механизм мукаммал даражада ишлаб чиқилган. Давлат-хусусий шериклик механизми нафақат шаҳар учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш билангина чекланмасдан, балки энг замонавий техник ечимларни топиш ва яратилган обьектларни самарали бошқариш имконини яратиб берилган.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, Санкт-Петербург давлат-хусусий шериклик механизимидан самарали фойдаланган бўлиб, дунёдаги энг йирик дастурлардан бирини ушбу лойиҳада амалга амалга ошира олган. Шаҳар ўз Қонунчилик базасини ишлаб чиқди, бу инвесторларга минтақавий ҳокимият органлари билан иложи борича самарали мулоқот қилиш имконини яратди.

Умумий айтилганда ДХШда молия-кредит механизмларини ривожлантириш хусусидаги илмий-назарий қарашлар ўзига хос бир қанча хулосалар килсак бўлади: Биринчидан, юртимизда хозирги кунда ДХШ тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларни ўрганиш натижасида ДХШ тушунчаси ва у билан боғлиқ атамаларнинг тўғрисидаги тушунчани ахоли ўртасида янада тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб бориб даркор. Иккинчидан, ДХШ иштирокчилари хамда ДХШдан манфаатдор бўлган субъектларинг узвий боғлиқлигини тушунасини ошириб боришимиз лозим.

Учинчидан, ДХШ тўғрисидаги қонунини ҳар бир принципларига кўра барча соҳаларга ДХШ лойиҳаларини амалга оширишни инобатга олишимиз керак.

Тўртинчидан, амалдаги тартиб бўйича лойиҳа қиймати бир миллионгача асосан маҳаллий давлат органлари, ҳокимият ва бошқа ваколатли ташкилотлар томонидан амалга оширилади, лекин бизнинг фикримизча, барча соҳаларда ДХШ лойиҳалар концепциясини тасдиқлашда Махаллий ҳокимият органлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва бошқа соҳа вазирликларида хам ташаббускорлар томонидан амалга ошириш мақсадга мувофиқ дея оламиз. Бундан асосий мақсад шуки, Молия вазирлиги қошида ташкил қилинган ДХШ агентлиги асосан ушбу ҳолатда маслаҳатчи роли ўйнайди ва реестрга киритиб айрим назоратларни олиб бориши имкониятини яратади дея оламиз.

Бешинчидан, барча тизимларни самарадорлигини ошириш учун маҳаллий шериклар билан бирга хорижий шерикларни ҳам жалб қилиб, уларга инвестицияси билан бирга мамлакатимизда етишмаётган ДХШ соҳасини хорижий тажрибаларга эга бўлган замонавий кадрлар етиштириш учун, илғор таълим дастурлари билан кириб келишга ҳам кенг имкониятлар яратилиши мақсадга мувофиқ. Дунёда барча соҳаллар табора

шиддат билан ривожланиб бормоқда, бунинг учун биз аввалом бор ривожланган мамлакатлар олиб бораётган ислохатларидан орқада қолиб кетмаслигимиз учун мамлакатимизни рақобатбардошликни таъминлаб боришини хамда замон талабига жавоб бера оладиган техника ва технологияларни иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга ўзимиз тадбиқ этишимизга тўғри келмоқда. Бундай вазиятда биз дастлаб хорижий билимларга эга бўлган кадрларни ўзимизда тайёр қилиб олгунга қадар, хорижий инвесторлар имкониятларидан кенг фойдаланиб туришимиз энг асосий масала десак мақсадга мувофиқ бўлади дея оламиз.